*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 201 (9847). ● 1990 йил 20 октябрь ● Баҳоси 5 тийин.

ШАНБА СОНИ

*• ҲОСИЛ—90 •*

## ҲАЛИ ПАХТА КЎП

● ОҚҚЎРҒОН ноҳиясидаги «Оққўрғон» давлат хўжалиги қабул пунктларига 9310 тонна пахта топшириб, йиллик режасини бажарди. Ҳосилнинг 8 минг 460 тоннаси яъни 91 фоизи машиналарда терилди. Етиштирилган пахтанинг сифати айниқса яхши бўлди. Буни унинг 72,8 фоизи биринчи навларга сотилганлиги ҳам айтиб турибди. Шунингдек, хўжаликда 3 минг тоннадан зиёд уруғлик тайёрланди.

Саидмурод Чегабоев, Исмат Хўжонов, Худойберди Гелдиев, Сервер Бектемиров бошлиқ бўлимларда ҳосилнинг чўғи, айниқса, кўп бўлди. Механизаторлар Ю. Ҳуснуллин, М. Кавешников, Ф. Хотамов, З. Қосимовлар 150—170 тоннадан ошириб пахта теришди.

Хўжалик меҳнаткашлари даладаги ҳосилни чамалаб кўришгач, яна 600 тонна пахта териб олишни мўлжаллаб қўйишди.

Омон ТЎРАҚУЛОВ.

## ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

Вилоятимиз ноҳияларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 19 октябргача бўлган

**МАЪЛУМОТ**

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — ноҳиялар; иккинчи устун — бир кунда тайёрлангани, учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машина терими бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **ЎРТА ЧИРЧИҚ** | **0,15** | **106,92** | **0,20** | **131,16** |
| **КОММУНИСТИК** | **0,07** | **105,09** | **0,07** | **123,81** |
| БЎКА | 0,37 | 96,78 | 0,38 | 110,81 |
| ЧИНОЗ | 0,28 | 94,12 | 0,30 | 92,84 |
| ҒАЛАБА | 0,12 | 93,62 | 0,13 | 107,81 |
| ПИСКЕНТ | 0,56 | 93,53 | 0,60 | 94,60 |
| БЕКОБОД | 0,36 | 93,35 | 0,24 | 93,47 |
| ОҚҚЎРҒОН | 0,31 | 93,29 | 0,32 | 103,15 |
| ЯНГИЙЎЛ | 0,43 | 80,46 | 0,48 | 81,52 |
| вилоят бўйича: | 0,30 | 95,41 | 0,28 | 100,73 |

*• ҲОСИЛ—90 •*



● БЕКОБОД ноҳиясидаги Мавлонов номли шўро хўжалигида терим машиналаридан, айниқса, самарали фойдаланилмоқда. Умуман бу йил хўжаликда етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини 40 та машина ёрдамида йиғиштириб олиш режаланган. Механик ҳайдовчилар ўртасидаги мусобақада Ўтамурод Тошматов пешқадамлик қиляпти. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 150 тоннага яқинлашиб қолди.

Суратчи А. МАЛЬЦЕВ.

*• ОБУНА—91 •*

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

## ОБУНА НАРХИНИНГ ЯРМИНИ КОРХОНА ТЎЛАЙДИ

● «УЗБИТХИМ» ишлаб чиқариш бирлашмаси шу корхона маъмурияти, касаба уюшмаси комитети ва меҳнат жамоаси кенгашининг қарорига биноан ўз меҳнаткашлари обуна бўладиган газета ва журналлар нархининг ярмини тўлашни ўз зиммасига олди. Бунинг устига, «Узбитхим»нинг ҳар бир ходими ҳар қандай нашрга ҳеч қандай чеклашларсиз обуна бўлиши мумкин. Бу катта даромад олаётган бутун жамоанинг бир маромда ишлаши туфайли мумкин бўлди. Тошкентлик химиклар масалан, танқис кир ювиш порошогининг ўзини йил охиригача планга қўшимча равишда 28 минг тонна ишлаб чиқарадилар.

(ЎзТАГ).




● МУШТАРИЙ ОТАХОНЛАР.

А. ЗУФАРОВ сурати.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

1991 йил рўзнома ва ойномалари учун обуна 31 октябргача давом этади. Келаси йилда ҳам «Тошкент ҳақиқати» рўзномасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» идорасига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун қабул қилинади.

Эслатиб ўтамиз: рўзноманинг обуна баҳоси 1 йилга—15 сўм 60 тийин.

*• Хушхабарлар*

## ҚЎШМА КОРХОНА

● ЎЗБЕКИСТОН фуқаро авиацияси бошқармаси тажриба жорий этиш марказининг ходимлари жуда ўткир муаммони ҳал этдилар. Улар хизматини ўтаб бўлган самолёт ғилдираклари ва уларнинг ўқларидан фойдаланиш йўлини топдилар. Улар «Союздорнии» ҳамда «Аэропроект» мутахассислари билан биргаликда жумҳурият аэродромларида кўплаб тўпланиб қолган резинадан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Махсус ишлов берилганидан кейин ундан аэродромларни қоплаш учун танқис мастика олиш мумкин. Уни ишлаб чиқариш учун қўшма корхона барпо этишга қарор қилинди.

## ШАХСИЙ УЙ ОЛИШДИ

● УРУШ ва меҳнат ветеранлари, пенсионерлар В. Панченко билан В. Шчавлев Ангренда биринчи бўлиб шахсий квартира эгалари бўлишди. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига асосан шаҳар ижроия комитети қабул қилган қарорга кўра, бадастур уй уларга шахсий мулк сифатида топширилди. Ҳозир маҳаллий Кенгашлар ветеранлар яшаб турган яна ўнлаб уйлар ва коттежларни шахсий мулк қилиб топшириш учун тайёрламоқда.

## СОВРИНЛАР ТОПШИРИЛДИ

● «СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» ва «Ташметрострой» трестлари жамоаларига биринчи ярим йиллик иш якунларига кўра, кўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотлари топширилди. Иттифоқ транспорт қурилиши вазирлигининг ҳайъати билан тармоқ касаба уюшмаси Марказий Комитетининг Президиуми улар меҳнатини шундай тақдирлади. Бу жамоалар сўнгги йиллар давомида Бутуниттифоқ меҳнат беллашувида доимий равишда совринли ўринларни олиб келмоқда. Улар мамлакатда биринчилардан бўлиб ўзини ўзи пул билан таъминлашга асосланган хўжалик ҳисобининг иккинчи модели бўйича ишлашга ўтганлар.

(ЎзТАГ

# Адабиёт ва санъат

## • Тадбирлар кундалиги

## «Бобурнома»га бағишланади

ЎЗБЕК классик адабиётининг атоқли намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг мураккаб ва қарама-қаршиликларга бой қисқа ҳаётида анчагина асарлар яратган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келган эмас.

Бобур ижодий меросининг энг муҳим қисмини Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, жуғрофияси ва этнографиясига оид нодир маълумотларни қамраб олган «Бобурнома» ташкил этади. Бу асар мазмунининг ранг-баранглиги, бир жаҳон материалини ўз ичига олганлиги, тил ва услубининг гўзаллиги билан бутун дунё шарқшунос олимларининг диққатини ўзига тортиб келади.

Жумҳуриятимизда 21—25 октябрь кунлари «Бобурнома» яратилганлигининг 460 йиллигига бағишланган бир қатор тадбирлар ўтказилади. Бу тантанада қардош жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатлардан таниқли шарқшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар ҳам иштирок этишади. Меҳмонлар Ҳамза номидаги театрда «Бобур» спектаклини томоша қилишади. 22 октябрь куни эса Тошкент Давлат дорилфунунининг маданият саройида «Бобурнома» ва Шарқ ренессанси» мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилади.

Тантана қатнашчилари Андижонга ижодий сафарга чиқишиб, шаҳардаги Бобур уй-музейини зиёрат қилишади. Бу ерда улуғ шоирга ўрнатиладиган ҳайкал ўрнида мармар лавҳа очилади. Шундан сўнг мактаб ва ишлаб чиқариш корхоналарида адабий учрашувлар, Андижон вилоят театрида эса тантанали кеча бўлиб ўтади.

«Бобурнома»га бағишланган тадбирлар Самарқандда давом этади. Байрам қатнашчилари ва меҳмонлар бу қўҳна шаҳарнинг машҳур тарихий-меъморчилик обидалари билан танишадилар. Мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналарида қомусий асарга бағишланган учрашувлар, Самарқанд опера ва балет театрида эса адабий кеча ўтказилади.

25 октябрь куни меҳмонлар Тошкентга қайтишади. Куннинг иккинчи ярмида байрам қатнашчилари Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган залига ташриф буюрадилар. Кечқурун Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик Катта театрида тантанали адабий кеча уюштирилади.

Шарқнинг улуғ адиби, шоири, олими ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари—«Бобурнома» яратилганлигининг 460 йиллигига бағишланган бу тадбирлар халқимиз маданий ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолади.

Р. ҚУДРАТОВ.

## • Қизлар дафтаридан

### КЎНГИЛ КАБУТАРЛАРИ

Оқ кўнгилнинг оппоқ кабутарлари
Чарх уриб учингиз мовий самода.
Садо беринг юракнинг шўх торлари
Оламлар яшарсин янгроқ наводан.
Ёруғ дунё узра қанот қоқингиз
Пок ниятлар, гўзал орзу—тилаклар.
Ташнаком дилларга шошиб оқингиз,
Шодлик ила урсин мафтун юраклар.
Меҳру вафо булоғини излангиз,
Севги оловлари қонингиз ёқсин.
Эзгулик — сарбаланд юртни кўзлангиз,
Дилларда диёнат дарёдай оқсин...

### КЕЛ

Қошимга қўйиб ўсма,
Елпиб-елпиб қуритдим.
Висолга бўлиб ташна,
Ёрни интизор кутдим.
Нигорон зор нигоҳим
Толди, нечун келмади!

Қалбдаги оғриқ-оҳим
Беқарорим билмади.
Кел қувончим, кел тезроқ,
Бахт қушини кутайлик.
Кўклам ишқига чанқоқ,
Дунёга гул тутайлик.

### ЎЗГАЧА

Нозик қалбим урар ўзгача
Ўзгачадир фикрим, қарашим.
Кўзимда нур кулар ўзгача
Мавжи мудом турар ярашиб.

Одамларга боқдим ҳайратда
Гоҳ хаёлчан, гоҳида ғамиюк.
Тўлса ҳамки юраги дардга
Кулаверди дунём бебок...

Фарида АБДУЛЛАЕВА.

## • Жумҳурият ёзувчиларининг янги асарлари

Йўлдош МУҚИМОВ.

# «МИНГ МАРЖОН»

**Таниқли ёзувчи ва публицист Йўлдош Муқимов турли-туман ривоятлар, афсоналар, нақл ва маталлар асосида «Минг маржон» деб номланган янги китоб ёзди. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур китобдаги сюжетлар халқ оғзаки ижоди услубида бўлиб, китобхонни эзгу ишларга чорлайди, ҳаёт муаммолари ҳақида жиддийроқ ўйлашга даъват этади. Қуйида айа шу китобдан олинган парчани газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.**

### ТАНБУРМИ Ё ТАНБИР!

...Сусамбилда катта дастурхон атрофида қизғин суҳбат кетарди. Мағриблик ва машриқлик сайёҳлар ўз элларининг афсона ва эртаклари, нақл ва латифаларидан айтиб берардилар. Сўнгра навбат муғанний ва машшоқларга етди. Дам доира, дам дутор, дам ғижжак ва най, уд ва танбур тилга кирди. Турли мақомлар янграб, осмонга кўтарилди.

Дастурхон теварагида ўтирганларнинг ҳаммаси мусиқанинг сеҳрли оғушида тебранди. Биров ҳузур қилиб бош чайқар, яна биров елкасини оҳиста қимирлатиб, бутун гавдаси ила силкинарди.

Мақомлар бир лаҳза тинди. Ўтирганлар эса ширин оҳанглар қўйнидан чиқолмасдилар.

— Бу мусиқий асбоб қандай аталур? — мағribликлардан бири танбурга ишора қилиб сўради.

Машриқлик унга жавоб қайтарди: танбур дейишадур.

Танбур дедингизми, яна сўз қотди бояги сайёҳ. Номи ҳам ўзидай ёқимли ва жарангдор экан. Қизиқ, бу ном не маънони англатур?

Бухоролик бир савдогар унга тушунтира кетди:

— Танбур танни тилувчи демакдир. Ундан чиққан ун ва куй киши танини, бурда-бурда қилиб юборур.

— Буни қаранг-а, деди мағриблик сайёҳ савдогар. Бизнинг элимиз Румода ҳам бу мусиқа торлари шунга яқин маънони беради. Уларни «тембр» дермиз. Тембр — қалбни чертувчи, тўлқинлантирувчи демакдир. Ундан мунгли унлар таралур. Оҳ, бу нафис куйлар, инсон юрак-бағрини тирнайди, ҳаяжонга солади.

— Биздаям бу торлар номи худди шундай аталур, хоразмлик савдогар изоҳ бера бошлади. — Бироқ маъноси бир қадар ўзгача. Бу ажойиб ва ғаройиб оҳангни эшитган кишиларнинг қалб сирлари тилга киради. Алқисса, танбур номи «тан бир» сўзидан келиб чиқмағонмикан?

— Бизнинг ўлкамиз, — Дашти—Қипчоқда ҳам бу сеҳргар мусиқий асбоб бордур. Фақат номи сал бошқачароқ — «том бир» дерлар, — анчадан буён чуқур ўйга толиб ўтирган карвонбошилардан бири мунозарага аралашди. Бу сўз туркий тилга ўта мос келур. — Бу янглиғ нағмани эшитғон ва тушуниб етғон кимсалар бир жон, бир тан бўлиб қолмоқлари ҳақдур. Алқисса, бир тан ва якдил кишиларнинг томи ҳам, осмони ҳам бирдур.

Даврада ўтирганлар бош чайқаб бу ҳақиқатни қизғин маъқулладилар.

— Сизнинг сўзларингизда жон бордур,— деди сайёҳлардан бири, — инсон насли ва илдизи бир бўлғоч дилимиз ва тилимиз ҳам аслида бир бўлғондир. Сўнгра бора-бора фарқ қилғондир, бироқ барибир ўзаги қолғондир...

Нурмомо ушбу нақлни айтиб бўлгач хулоса ясадилар:

**Ҳайрон қолурлук жой**
**бунда йўқдур,**
**Инсон бир оила, бир**
**уруғдур...**

### ТОШБАҚА ТАРОЗИБОН

Чўлда судралиб юрган тошбақаларга раҳмимиз келарди. Икки ёқдан қаттиқ қисиб олган тошлари орасидан бошини зўрға чиқариб озуқасини топиб ейди-я, бечора.

Кечқурун молларни боқиб келгач, Нурмомомиздан сўрардик:

— Момо, нега бундай? нега тошбақаларни икки томонлама икки тош қисиб олган? Тошларини олиб ташласа бўлмайдими.

— Бўлмайди, эркатойларим. Фалакнинг хоҳиши, одамларнинг қарғиши бу.

— Фалак хоҳласа, одам қарғаса шунақа бўлаверадими?

— Тошбақа одамлар ҳақини еган, чироқларим. Шуни яхши билиб қўйинглар. Вақти-замонида тошбақа ҳам одам бўлган, қассоблик қилган, бозорда гўшт сотган.

...Кунлардан бир кун кимсасиз бечора кампир жиндак пул топиб бозорга келди. Қассобдан пулига яраша гўшт беришни сўради. У инсофсиз гўштнинг ярмисидан кўпроғини суяк қилиб, тортиб берди.

— Ўғлим гўшт ўрнига нуқул суяк бердинг-ку.

— Гўшт суяксиз бўлмайди, кампир,— дағал муомала қилди қассоб.

— Тўғри айтдинг ўғлим, суяк ҳам гўштсиз бўлмасин-да, ахир.

Қассоб жаҳлга минди. Бошқа бир бўлак гўштни тортиб кампирга узатди.

Кампир уйига келиб гўштни ўлчаб кўрсаки, бир неча мисқол етмайди. Шунда у илоҳо тарозингнинг икки палласи ости-устунгга ёпишиб қолсин, ўзинг икки оёқлаб эмас, махлуқ бўлиб тўрт оёқлаб юргин, деб қассобни дуоибад қилди.

Жабрдийда кампирнинг қарғишига фалак қулоқ солди. Унинг айтгани келди. Қассоб бирдан букила бошлади. Тарозининг бир палласи бош томонидан, иккинчи палласи оёқ томондан ёпишиб у ўртада қолиб кетди. Ўшандан буён махлуққа айланиб қолган қассоб одамлардан ор-номус қилиб чўлу-саҳроларга бош олиб кетди. Тошбақа тарозибон деган ном олди...

### БУЯМ ЎТАР-КЕТАР...

Оиламизда оғир кунлар кўп бўлган. Отам ёки онам бирор сабаб билан хафа бўлсалар кун кечириш қийинлигидан зорланиб тушкунликка тушишса Нурмомо ҳамиша тожикча қилиб «Инам мегузарад» (буям ўтар-кетар) дердилар-да, нақл айтиб берардилар.

...Бир пайтлар Сусамбилда бой савдогар ўтган экан. Ақли расолиги, ҳаракатчанлиги, қаерда не олиб, не сотишни, бу мамлакатга-ю у мамлакатга нима кераклигини яхши билганлигидан анча-мунча бойлик орттирган экан. Унинг яккаю-ягона ношуд ўғли бўлиб, отанинг билагидан қуввати, кўзидан нури кетгач, ўлим тўшагида ётиб ўғлига васият қилибди:

— Мен сенга ул қадар бой мерос қолдиролмадим, ўғлим, фақатгина иккита кичик қутича қолдирдим. Уларнинг бири қизил, иккинчиси қора рангда. Борди-ю, қўлингдаги бор бисотингни тамом қилиб қийналсанг, бошингга қора кунлар тушса қора рангли қутичани очиб, ундан ўзингга ярайдиғон нимарсани топурсен. Агар ишларинг бағоят юришиб, ривож топиб кетса азбаройи бойлиғинг кўплиғидан ва хурсандчилиғингдан бошинг гангиб, ўзингни йўқотиб қўйғудек бўлсанг, қизил рангли қутичани очғайсен...

Ношуд ўғил отадан қолғон меросни бир неча йил мобайнида совуриб бўлди ва азбаройи қийналганидан қора қутичага қўл урди. Очиб қараса қутича бўм-бўш, унинг ичидаги бир парча қоғозда «буям ўтар-кетар» деб ёзиб қўйилган экан, холос.

Бу ҳикмат ношуд ўғилга ночор кунларида чунон таъсир қилдики, оқибатда у тушкунликка тушмади, ғам-андуҳга берилмади. Аксинча, енг шимариб бел боғлаб ишга шўнғиди. Ақл ишлатиб, ота касбини қўллади. Шу зайл ўзини ҳалокат ёқасидан ўнғариб қутқариб қолди ва тез орада бойиб ҳам кетди. Айшу-ишратдан боши чиқмай, хурсандчилигидан мағрурланиб, яқин-йироқларини танимай, менсимай қўйди. Одамлар ундан қоча бошлашди. Шунда отанинг иккинчи васияти хотирига келиб қизил қутичани очди. Ундаги бир парча қоғозга ҳам яна «буям ўтар-кетар» деб ёзилган экан.

Кунлар ўтди, тунлар ўтди. Чиндан ҳам отанинг айтгани бўлди. Ақли шошган савдогар ўғлининг ишлари касод бўлди. Уни ҳаддидан оширғон ва қутуртирғон бойлик барҳам топди...

Нақлни айтиб бўлгач Нурмомо хулоса қилган эдилар:

— Қийин ва оғир кунларингизда ҳам, шод-хуррамлик кунларингизда ҳам зинҳор ўзингизни йўқотиб қўйманглар, чироқларим. Буларнинг бари ўткинчидур. Қийин кунда беҳад қайғурмангиз, хурсандчиликдан ўзингиздан кетмангиз, уям ўтади-кетади, буям ўтади-кетади.

• *Инсон ва қонун* •




*ҳақиқат тўла тантана қилгани йўқ, баъзи ҳуқуқ посбонлари ҳамон уни бўғиб туришибди*

ИНСОННИНГ тақдири кимларга боғлиқ? Ғайри-табиий кўринган бу саволга ҳамма ҳар хил жавоб бериши мумкин. Албатта, инсоннинг тақдири аввало унинг ўзига боғлиқ. Сўнг, инсон ҳаёти кўп жиҳатдан тиббиёт ходимларига, тақдири эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хатти-ҳаракатларига ҳам боғлиқ. «Ўзбеклар иши»дан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг заиф томонлари анча ошкор бўлиб қолди. Минглаб бегуноҳ кишиларнинг сўнгра оқлангани бунга яққол мисол бўла олади. Биз бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон тақдири ҳам айрим саводсиз ҳуқуқ посбонлари томонидан топталган.

Ҳожиакбар Адҳамов туҳматнинг, сўнгра эса терговчиларнинг пала-партишликлари қурбони бўлди. Уни салкам икки йил ноҳақ қамоқда сақлашди. «Адҳамов иши» шунча вақт терговма-тергов, судма-суд юрди. Нега бу иш «коптоқ» бўлди?

Адҳамовнинг айби нималардан иборат эди?

У «айб иш» қилиб қўйганини Тошкент вилояти прокуратурасига келгандагина билди. Иккинчи куни эса уни ҳибсга олишди. Уни кўп ҳам сўроқ қилиб ўтиришмади, жавобларини эса ҳаммасини ёлғон, асоссизга чиқаришарди. Хотиржам оилага ғам-ташвиш оралади. Маҳалла-кўй, ишхонада Ҳожиакбар тўғрисида турли миш-мишлар тарқала бошлади.

Адҳамовнинг номини Жиззах вилояти Пахтакор пахта тозалаш заводининг пахта тайёрлаш бўлими мудири Ҳикмат Бобоев тилга олди. Унинг устидан тергов олиб борилаётган пайтда шундай кўргазма беради:

— 1982—83-йилларда Орджоникидзе ноҳия маиший хизмат кўрсатиш комбинатига 6-нав пахта толаси ўрнига линт ва улюклар жўнатганман. Бу қинғир иш эвазига комбинат ходими Адҳамовга уч бўлиб 46 минг сўм пул берганман...

Бу кўргазма ҳуқуқ посбонлари учун асос бўлди ва Ҳ. Адҳамовга нисбатан Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуасининг 119-модда 1-прим, 152 моддасининг иккинчи қисм, 149-, 155-моддалари билан айб эълон қилиниб, «иш» судга ўтди. 1986 йилнинг 28 апрелида Тошкент вилоят суди аъзоси Қ. Абдулҳасанова раислигида ушбу иш кўрилиб, Адҳамовни ўн йилга озодликдан маҳрум этиш, унга тегишли бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тўғрисида ҳукм чиқарилди. Табиийки, Ҳ. Адҳамов вилоят судининг бу ҳукмидан норози бўлиб Ўзбекистон ССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясига кассация шикояти ёзди.

Ўша йилнинг 29 сентябрь куни Ўзбекистон ССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясида Б. М. Маликов раислигида шикоят аризаси кўрилиб, дастлабки тергов ва вилоят суди томонидан йўл қўйилган қатор камчиликлар аниқланди. Улар қуйидагилар: а) Ўзбекистон ССР Жиноят процессуал мажмуасининг 14-моддаси талаблари бажарилмаган, яъни суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи шахс ишни ҳар томонлама, тўла ва объектив текшириш учун қонун йўли билан белгиланган ҳамма чораларни кўрмаган; б) ушбу жиноят натижасида Орджоникидзе ноҳия маиший хизмат кўрсатиш комбинатига келтирилган зарар миқдори аниқланмаган; в) дастлабки суд мажлисида судланувчи Адҳамовга қўйилган айбдан Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуасининг 119- ва 155-моддаларининг олиб ташланиши сабаблари келтирилмаган; г) 46 минг сўм пора пулни кимга — давлатгами ёки зарар кўрган ташкилотга ундириш масаласи ойдинлаштирилмаган.

Биз коллегиянинг ажримига қуйидагиларни илова қилмоқчимиз. Ҳ. Адҳамов Орджоникидзе ноҳия маиший хизмат кўрсатиш комбинатида уста (мастер) вазифасида ишлаган. Устанинг хизмат вазифасига хом ашё олди-сотди қилиш кирадими, йўқми, бизнингча терговда ана шунга ҳам эътибор бериш керак эди. Суд эса ўз навбатида аниқланган ҳолатларга қараб унга тегишли баҳо бериши лозим эди.

Жиноий иш бўйича ўтказилган дастлабки тергов атрофлича ва тўлиқ олиб борилмай, бу хусусда Ўзбекистон ССР Жиноят Процессуал мажмуасининг 14-моддасида белгиланган қонун талаби қўпол равишда бузилган. Биринчидан, айб эълон қилиш қарори ҳамда айблаш фикрида Ҳ. Адҳамов Х. Бобоевдан 46 минг сўм пора олган дейилади-ю, аммо айбланувчига пора берган Бобоев мазкур жиноий иш бўйича сўроқ қилинмайди. Қайта тергов мобайнида уларни юзлаштириш зарурлиги кўрсатилади.

Иккинчидан, айблаш фикрида Ҳ. Адҳамов Жиззах вилояти Пахтакор пахта тозалаш заводидан Орджоникидзе ноҳия аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатига келган 202 тонна 201 килограмм линт ва улюкларни 6-нав пахта толаси деб қабул қилгани ёзилади. Аммо бу хулосани тасдиқловчи биронта ҳужжат мавжуд эмас. Худди шунингдек, бу пахта маҳсулотларини шахсан Адҳамов қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳам йўқ. Адҳамов ўзига ишонгани, кўнгли тўқ бўлгани, қинғир ишга қўл урмагани учун терговда ҳам, судда ҳам дадил, бўлган воқеаларни рўй-рост айтарди. Унинг гапини эса ҳеч ким эшитишни хоҳламасди. Кунлар, йиллар эса ўтиб бораверарди.

Ниҳоят, бундан икки йил олдин инсон тақдирини бу азоб, хўрликлардан сақлаб қоладиган учрашув ташкил этилди. Бобоев билан Адҳамов юзлаштирилди. Бобоев илгари Адҳамовга нисбатан туҳмат қилганини, аслида унга ҳеч қандай пора бермаганлигини айтди.

— Нега олдин ёлғон кўргазма бергансиз,— дўқ аралаш берилган саволга Бобоев шундай жавоб қайтарди:

— Ўша, мени сўроқ пайтида пулларни кимга тарқатганимни айтишим керак эди. Шунда лоп этиб тилимдан Адҳамовнинг исми-шарифи чиқиб кетди. Бир оғиз гапим билан бечоранинг бошига шунча азоблар солганимдан пушаймонман. Олдин ҳам, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам Адҳамов иши юзасидан сўроқ қилишса шу гапларни такрорлайман.

Шундай қилиб, Ҳожиакбар Адҳамовнинг «айби» тобора ўз исботини топмай борди. Биргина Бобоевнинг кўргазмасига асосланган тергов органининг (терговчи Ҳ. Хожиакбаров) шошма-шошарлиги оқибатида 1985 йилнинг 5 ноябрида қамоққа олинган Ҳ. Адҳамов 1987 йилнинг 26 октябридагина озодликка чиқарилди. Адҳамовнинг ноҳақ ҳибсда ушлаб турилишига нафақат тергов органлари, балки адлия органларининг ҳам ишга бир томонлама қараб жиноят-процессуал нормалари талабларини бузганлари сабаб бўлди.

Шуниси ажабланарлики, тергов органи Адҳамовга нисбатан фақат фараз, тахминларга ишонибгина айб эълон қилди. Бу сохта айб суд органлари томонидан ўз вақтида бартараф қилинмади.

Кеч бўлсада Адҳамовнинг хатти-ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги исботланди. Унинг иши Ўзбекистон ССР Жиноят процессуал мажмуасининг 5-модда 2-банди билан бекор қилинди. Бироқ бундан давлат анча зарар кўрди. Тошкент вилояти прокуратурасининг 1989 йил 10 апрелдаги қарорига асосан Адҳамовга 4587 сўм 30 тийин, шу жумладан 3620 сўм 30 тийин иш ҳақи қайтариб бериладиган бўлди. Яхши. Бироқ табиийки, у чеккан маънавий азобларни моддий маблағ билан қоплаб бўладими, ахир!?

Жиноий иш бекор қилингач, озод қилинган киши аввалги ўз ишига тикланиши шарт. Буни СССР Олий суди Президиумининг 1981 йил 18 майдаги Фармони тасдиқлайди. Орджоникидзе ноҳия прокурорининг 1988 йил 26 февралдаги норозилиги билан «Ташоблпрокатразнобит» бирлашмасида бош механик бўлиб ишлаган Адҳамовнинг ҳибсга олиниши муносабати билан уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги 1985 йил 10 декабрдаги буйруқ ноқонуний деб топилди. Бироқ у аввалги вазифасига тикланмади, бошқа ишга кирди.

Нега энди Адҳамов бошқа бирлашмага ишга ўтиш ҳақида илтимос қилди? Ахир у «Ташоблпрокатразнобит» бирлашмасида ўз жойига тикланиши ёки унга тенг мансабдаги бошқа иш билан таъминланиши керак эди-ку!

— Шундай бўлиши керак эди, начора,— дейди Ҳ. Адҳамов.— Қамоқдан озод қилинганимдан бери ишга жойлашиш учун кўп овораи сарсон бўлдим. Аввалги иш жойимга тиклашни рад этишди. Фақат 1989 йилнинг февраль ойидагина «Ўзбекбургаз» бирлашмасидан иш топдим. Қаердадир ишлашга мажбур эдим, ишламаса бўлмасди...

Орджоникидзе ноҳия прокурорининг норозилик хатида «Адҳамов ишдан ўз хоҳиши билан бўшатилган деб топилсин» дейилган. «Ташоблфото» бирлашмасининг 1988 йил 29 февралдаги буйруғида ҳам шундай гапларни ўқиймиз. Ишга тиклаш тўғрисида эса ҳечнима дейилмайди. Бу ўринда қонун нуқтаи-назаридан қараганда аввал у ишга тикланиб кейингина бошқа ишга ўтиши ҳақидаги илтимоси қондирилиши мумкин эди. Ўзи учун нолойиқ «Ўзбекбургаз»да беш-олти ой ишлаган Адҳамов ишдан бўшашга мажбур бўлди. Лекин у ўз ҳуқуқини тиклаш учун қаерга мурожаат қилмасин рад жавобини олаверди. Унинг моддий қийин аҳволга тушиб қолганини, ҳуқуқи поймол қилинганини тўғрисидаги арз-додини ҳеч ким эшитгиси келмаяпти. Адҳамов эса ўз ишига, қадрдон жамоасига тикланиши керак. Қонун шуни талаб қилади. Бундан ташқари қонунда фуқарони ноҳақ жиноий жавобгарликка тортган маъмурий органлар ходимлари ҳам жазоланиши зарурлиги қайд этилганини ҳам унутмаслик зарур.

**Абдужалил ҲАСАНОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

**МУҲАРРИРИЯТДАН:** мақола тайёрланаётганда Ҳ. Адҳамов Тошкент шаҳар Чилонзор ноҳия халқ судининг 1990 йил 12 сентябрда чиқарган қарорини келтирди. Унда Ҳожиакбар Адҳамов 1988 йилнинг 6 декабрь куни ҳисобидан илгариги бош механиклик вазифасига, ўрин бўш бўлмаса бу вазифага тенг иш билан таъминланиши, уч ой мажбурий ишсиз юргани учун вилоят маиший хизмат кўрсатиш бошқармасидан 540 сўм ундириб берилиши айтилади.

# ИЖРОҚЎМ ДЕРАЗАСИДАН ҚАРАГАНДА




СИЗ суратда кўриб турган «иншоот» кўп йиллардан буён қанча жойни эгаллаб савлат тўкиб турипти. Тўғри, ҳозир унинг аввалги савлати йўқ. Аввалларн метали конструкциялари тез-тез мойланиб турарди, электр лампочкалари бор эди. Кечалари ёнганида қанчадан-қанча электр энергиясини кўрдим демасди ва ҳаммамизга қадрдон «МИР», «ТРУД» сўзлари узоқ-узоқлардан кўриниб турарди.

Энди эса бу «иншоот»ни қурганлар ҳам, унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турадиган акалари ҳам бечорани унутиб қўйишди. Ҳа, унутишгани ростга ўхшайди. Акс ҳолда ҳозир ахлатхонага айланган бу ерга гуллар, мевали дарахтлар ўтқазишмасмиди! Бунинг иложини топа олмасалар шу атрофдаги хонадонларга вақтинчалик бўлса ҳам ерни бериб туришганида жуда бўлмаганда бу ерга беда экса ҳам маъқул эди: кўм-кўк бўлиб яшнарди, суратдаги тақир ер шу аҳволда ётмай фойда келтирарди.

Турғунлик йилларининг қуруқ дабдабаларидан гувоҳ бўлмиш бу иншоот ўзи қаерда дейсизми! Адашмай топиб боришингиз мумкин: А. Икромов ноҳияси ижроқўми биносига кирсангиз — уни кўрасиз. Ижроқўм биносининг Фарҳод кўчаси томонига қараган деразаларининг ҳаммасидан «Мир», «Труд» ҳамда бу иншоот баҳонасида ташландиққа айланган бир неча гектар ер шундоққина кўриниб туради.

**Т. АБДУЛЛАЕВ.**
**Муаллиф суратга олган.**

## • Одам одоб билан •

**Рўзномамизнинг шу йил 28 сентябрь сонида мухлисларимизнинг илтимосларига кўра шуҳрати оламга кетган «Қобуснома» асари, унинг яратилиш даври ва тарихий аҳамияти ҳақида ҳикоя қилиб, унинг баъзи бобларидан парчалар эълон қилган эдик. Шундан сўнг муҳарририятимизга ана шу бебаҳо асар бобларидан парчалар бериш давом эттирилишини илтимос қилинган кўплаб мактублар келмоқда. Қуйида муштарийларимизнинг ана шу истакларини ҳисобга олиб «Қобуснома»нинг олтинчи бобидан парча эътиборингизга ҳавола этилмоқда.**

# Қобуснома: ШИРИНСЎЗ ВА САХОВАТПЕША БЎЛИШ ҲАҚИДА

«Эй фарзанд, огоҳ бўлким, ҳунарсиз киши ҳамма вақт фойдасиз бўлур ва ҳеч кимга фойдаси тегмайди, худди танаси бор-у сояси йўқ тиканли муғилонга ўхшайди... Агар киши олий насаб, асл (зотлардан) бўлса-ю, ҳунари бўлмаса, ҳалойиқнинг иззат ва ҳурматидан маҳрум бўлади. Агар кишида насаб гавҳари ҳам, ҳунар безаги ҳам бўлмаса ундан баттарроқ бўлади. Агар табиатинг ҳар қанча асл бўлса ҳам ундан мағрурланмагин, чунки тан пўзаллиги ҳунар безаги билан зийнатланмаса, ҳеч нарсага арзимайди. Масалан, дебдурларки, улуғлик ақл ва билим биландир, насл-насаб билан эмас. Агар ўзингни «Муҳаммад», «Аҳмад», «устод», «хўжа», «билимдон» атасанг-у, шу номга лойиқ бўлмасанг: бу — ном эмас. Сен ҳунар билан бир номга эга бўлгин.

...Билгимким, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши, чунки... бошқа жониворлардан одам ўн даража ортиқдир ва бу афзаллик одамнинг баданида бордир: (Ўн даража ортиқликнинг) беши одам танасининг ташқи томонида кўринадир ва (яна) беши одам ичида яширингандир. Бешта яширинган нарсалар шулар:

— бир нарсани ёд қилмоқ; ҳамиша эсда сақламоқ; хаёл қилиш; фарқ қила билиш ва нутқ.

Ташқи томонда зоҳир бўлган беш нарса: эшитиш; кўриш; ҳид билиш; тотиб кўриш; сезиш.

...Шуни билгимким, яхши сўзлашга ўрган ва мулойим сўзлашдан бошқа нарсани одат қилма. Сўзни ўз жойида сўзла, ўз жойида айтилмаган сўз агар у яхши сўз бўлса ҳам ёмон кўринади. Беҳуда сўзлама, чунки фойдасиз сўз зиён келтиради. Беҳуда сўздан сақлан, бирор нарсани сўрасалар, тўғрисини айтгил.

Сендан талаб қилмаса, сен у кишига панд-насиҳат қилмагил, хусусан, насиҳатни тингламаган кишига ҳеч нарса демагил. Бегоналар орасида (ҳеч бир) кишига насиҳат қилмагил, чунки бегоналар орасида қилинган насиҳат — таънадир. Агар бирор киши қинғирликка одатланган бўлса, унинг ёнига бормагил, чунки бундай одам тўғри йўлга кирмайди, яъни эгри дарахтни чопиб йўнмагунча тўғри бўлмайди.

Қаттиқ (ботадиган) сўзни айтмагин, яхши сўзни сўзла, токи сен ҳам яхши сўз эшитгайсан. Шўр ерга уруғ сочма — ҳосил бермайди, меҳнатинг зое кетади, яъни (яхшиликни) билмаган кишига яхшилик қилиш шўр ерга уруғ сочиш билан баробардир. Аммо яхшиликка лойиқ бўлган кишига яхшиликни аямагин ва у одамга ҳам яхшилик қилишни ўргат.

Эй фарзанд, яхшилик қил ва қилган яхшилигинг учун сира пушаймон бўлма. Бир кишига яхшилик қилсанг, у киши бу (яхшилигинг)дан қанчалик хурсанд бўлса, сенинг кўнглингга ҳам ундан кўпроқ шодлик ва хуррамлик етишади. Бир кишига ёмонлик қилсанг, у қанчалик хафа бўлса, сен ҳам ундан ортиқроқ хафа бўласан: сен бир кишига ёмонлик қилсанг, сенга ҳам ёмонлик келади. Демак, бу дунёда яхшиликнинг ҳам ёмонликнинг ҳам мукофоти (жавоби) бўлур.

Агар менинг сўзимга амал қилишни истасанг, ҳеч кишидан яхшиликни аяма, чунки яхшилик фойда келтиради.

Ҳикоят. Мен шундай эшитганман: Мутаваккил[1] ўша вақтда Бағдодда халифа эди. Унинг Фатҳ номли бир қули бўлиб, у қул ғоят зийрак ва одобли эди. Мутаваккил уни ўзига фарзанд қилиб олди ва ўз фарзандлари қатори муомила кўрсатди. Фатҳ сувда сузишни ўрганмоқчи бўлди. Кемачилар унга сувда сузишни ўргатишди. Фатҳ ёш бола эди, чўмилмоқни яхши кўрарди. У ўз-ўзига деди: «Мен сувда сузмоқни яхши ўргандим. У болалик қизиқиши билан ҳеч кимга билдирмай, ёлғиз Дажла дарёси томон борди ва ўзини сувга ташлади. Сув жуда тез оқарди ва Фатҳни оқизиб кетди. Фатҳ суза-суза чарчади ва сувнинг юзида қалқиб борарди, ниҳоят дарёнинг тўлқини билан қирғоққа чиқиб олди. Дарёнинг қирғоғида сув оқимидан ҳосил бўлган ўнгирликлар бор эди. Фатҳ мана шу ўнгирлардан бирига тушиб ўтирди.

Фатҳ сувда оқиб кетган кун Мутаваккилга: «Фатҳ сувда оқиб кетди, қирғоққа чиққан-чиқмаганини билмаймиз», — деб хабар бердилар. Мутаваккил кемачиларни чақириб; «Кимки Фатҳнинг тиригини ёки мурдасини келтирса, унга минг динор бераман», — деди ва «то Фатҳни кўрмагунимча таом емайман», — деб онт ичди. Орадан етти кун ўтиб Фатҳ топилди. Халифа: «Фатҳ етти кундан бери оч, таом келтиринг», — деб буюрди. Фатҳ деди: «Йўқ, мен тўқман». Халифа сўради: «Дажла суви билан тўйгандирсан?» Фатҳ деди: «Етти кун ичида ҳар куни йигирматача нон бир лаганда сувнинг юзида оқиб келарди. Мен ундан икки-уч нон олиб қолиб ер эдим. Менинг тирик қолишимга сабаб шу эди ва ҳар нонга Муҳаммад бинни ал-Ҳусайн ал-Аскоф деб ёзиб қўйилган эди, яъни бу нонларни дарёга ташлаган киши Ҳусайн кафшдўзнинг ўғли Муҳаммаддир. Мутаваккилнинг фармонича: «Ҳар куни Дажла дарёсига нон ташлаган кимдир, амир-ал-мўминин уни қадрлайди ва бахтиёр қилади», — деб шаҳарга жар солдилар. Охирги кунларда бир киши келиб: «Мен эдим»,— деб ўзини аён қилди.

Халифа: «Қандай исботлайсан» — деб сўради.

У киши: «Исботим шуки, ҳар бир ноннинг бетида Муҳаммад бинни ал-Ҳусайн ал-Аскоф деган ёзув бор», — деди.

Халифа айтди: «Исботинг тўғри, қай вақтдан бери дарёга нон ташлайсан?»

У деди: «Бир йил бўлди».

Халифа: «Бундан мақсадинг нима эди?»

У: «Яхшилик қилиб, дарёга ташла, бир кун сенга фойдаси тегар деган сўзни эшитганим учун шу ишни қилдим. Менинг қўлимдан келгани, қудратим етгани шу нон бўлди...»

Халифа айтди: «Нимаики эшитган бўлсанг қилибсан ва нимаики қилган бўлсанг, унинг фойдасини ҳам топдинг».

Халифа унга кўп мулк берди, катта эътибор кўрсатди. У одам ҳурматга сазовор бўлди. Эй, фарзанд, ҳамма вақт ҳалойиққа яхшилик қил!

**ТАЙЁРЛОВЧИДАН: Қадимдан «Яхшилик қил, дарёга ташла!» деган нақл бор. Юқорида таъкидланганидек, ҳеч бир хислат ҳам, ҳеч бир иллат ҳам назардан четда қолмас. Зеро, «Ибодатларнинг энг мақбули одамларга яхшилик қилишдир», — деб бежиз айтилмаган.**

**Дилмурод САИДОВ**
**тайёрлаган.**

Мазкур боб С. Долимов томонидан тузилган табдил нусхадан қисқартириб ва айрим ўзгартишлар киритиб олинди. Табдил нусхада боб «Ҳунарнинг афзаллиги ва қадри баланд олий табиатли бўлиш ҳақида» деб номланган.

1) Мутаваккил — Аббосий халифаларидан (861—862 й. й.).

---

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ СИРТҚИ ТАЪЛИМ МАКТАБИ

# АЛИФБОНИ ЎРГАНАМИЗ

**(ИККИНЧИ ДАРСНИНГ ДАВОМИ).**

- 3 -

4. ВОВ ( و ) ҲАРФИ

Вов ва бир ёқлама қўшилувчи ҳарф. У ўзидан олдин келган ҳарфларга боғланиб, кейингисига боғланмайди. Ёзувда икки хил кўринишга эга: Якка ҳолда ( و ), боғланган ҳолда ( ـو ). Маълум бир қисми сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади: ـو و

Бир неча товушни ифодалайди:

I. Вов "в" ундошини ифодалашини қуйидаги сўзларда кўрамиз: واو - вов.

2. Вов ҳарфи "у" ва "ў" унлилари вазифасида сўз бошида вовнинг олдидан бир алиф орттирилиши шарт. Масалан: او - у.

3. "у" ва "ў" унлилари сўз ўртасида ва охирида келганда ҳеч қандай воситачи ҳарфсиз вов ҳарфининг ўзи ёзилаверади.

Унинг "у", "ў" ёки "в" экани сўз маъносига қараб англаб олинади.

| Ўқилиши | боғланиши | қўшиб ёзиш намунаси |
|---|---|---|
| ов | آو | آ+و |
| дуд | دود | د+و+د |

9-топшириқ. Вовнинг биринчи кўринишини беш қатордан ёзиб чиқинг.

و و و و و و و و و و و

10-топшириқ. Вовнинг иккинчи кўринишини беш қатордан ёзиб чиқинг.

ـو ـو ـو ـو ـو ـو ـو ـو ـو ـو ـو

- 4 -

II-топшириқ. Қуйидаги сўз бўғинлари ва сўзларни ўқинг, кўчириб ёзинг:

او، داو، داود، آو، واو، دوا، دود.

ИЗОҲ: ДОВ - қадди баланд, йўғон ва бақувват; дадил;ъ ҳақ - ҳуқуқини тасдиқлаш ҳақидаги талаб, даъво.

МАНЗАР АБДУЛХАЙРОВ
РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходимлари.

---

# ЯНГИ КИТОБ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм илмгоҳи ходимлари тайёрлаган ва Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарган китоб «Қайта қуриш шароитида партия ички турмушини демократиялаш» деб аталади.

Монографияда қайта қуриш шароитида КПССни янгилашнинг негизи сифатида партия ички демократиясини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари таҳлил этилади.

(ТАСС).

---

# БАХТ ВА ШОДЛИК КУЙЧИСИГА

Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Ҳамид Олимжон совет маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди. 18 октябрь куни Москвада, союзлар уйининг колонналар залида, шоир таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди.

ССЖИ Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби В. В. Карпов, мамлакат адабий жамоатчилигининг намояндалари Ҳамид Олимжон янги ҳаёт, халқлар дўстлиги куйчиси бўлганлигини айтдилар. Унинг Улуғ Ватан уруши йилларида аскарларимиз кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлик тўғрисидаги ажиб сатрлари уруш йиллари шеъриятининг ҳазинасини бойитди. «Ҳамид Олимжон ҳақида» гапирган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов шоир, публицист, мунаққиднинг ижодий йўлини таҳлил қилди. У жумҳурият китобхонлари шоир таржималари орқали рус ва совет классик адабиётининг кўпгина намуналари билан танишганликларини таъкидлади.

Ўзбекистон санъат усталарининг концерти бўлди.

Кечада ССЖИ Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг Раиси Р. Н. Нишонов, КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Қўмита котиби А. С. Дзасохов, ўзбек адиблари делегацияси ҳозир бўлди.

(ТАСС мухбири).

# Адабиёт ва санъат

ЎЗБЕК классик адабиётининг атоқли намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг мураккаб ва қарама-қаршиликларга бой қисқа ҳаётида анчагина асарлар яратган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келган эмас.

Бобур ижодий меросининг энг муҳим қисмини Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, жуғрофияси ва этнографиясига оид нодир маълумотларни қамраб олган «Бобурнома» ташкил этади. Бу асар мазмунининг ранг-баранглиги, бир жаҳон материалини ўз ичига олганлиги, тил ва услубининг гўзаллиги билан бутун дунё шарқшунос олимларининг диққатини ўзига тортиб келади.

Жумҳуриятимизда 21—25 октябрь кунлари «Бобурнома» яратилганлигининг 460 йиллигига бағишланган бир қатор тадбирлар ўтказилади. Бу тантанада қардош жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатлардан таниқли шарқшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар ҳам иштирок этишади. Меҳмонлар Ҳамза номидаги театрда «Бобур» спектаклини томоша қилишади. 22 октябрь куйи эса Тошкент Давлат дорилфунунининг маданият саройида «Бобурнома» ва Шарқ ренессанси» мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилади.

## • Тадбирлар кундалиги

## «Бобурнома»га бағишланади

Тантана қатнашчилари Андижонга ижодий сафарга чиқишиб, шаҳардаги Бобур уй-музейини зиёрат қилишади. Бу ерда улуғ шоирга ўрнатиладиган ҳайкал ўрнида мармар лавҳа очилади. Шундан сўнг мактаб ва ишлаб чиқариш корхоналарида адабий учрашувлар, Андижон вилоят театрида эса тантанали кеча бўлиб ўтади.

«Бобурнома»га бағишланган тадбирлар Самарқандда давом этади. Байрам қатнашчилари ва меҳмонлар бу қўҳна шаҳарнинг машҳур тарихий-меъморчилик обидалари билан танишадилар. Мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналарида қомусий асарга бағишланган учрашувлар, Самарқанд опера ва балет театрида эса адабий кеча ўтказилади.

25 октябрь куни меҳмонлар Тошкентга қайтишади. Куннинг иккинчи ярмида байрам қатнашчилари Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган залига ташриф буюрадилар. Кечқурун Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик Катта театрида тантанали адабий кеча уюштирилади.

Шарқнинг улуғ адиби, шоири, олими ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари—«Бобурнома» яратилганлигининг 460 йиллигига бағишланган бу тадбирлар халқимиз маданий ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолади.

Р. ҚУДРАТОВ.

## • Қизлар дафтаридан

### КЎНГИЛ КАБУТАРЛАРИ

Оқ кўнгилнинг оппоқ кабутарлари
Чарх уриб учингиз мовий самода.
Садо беринг юракнинг шўх торлари
Оламлар яшарсин янгроқ наводан.
Ёруғ дунё узра қанот қоқингиз
Пок ниятлар, гўзал орзу—тилаклар.
Ташнаком дилларга шошиб оқингиз,
Шодлик ила урсин мафтун юраклар.
Меҳру вафо булоғини излангиз,
Севги оловлари қонингиз ёқсин.
Эзгулик — сарбаланд юртни кўзлангиз,
Дилларда диёнат дарёдай оқсин...

### КЕЛ

Қошимга қўйиб ўсма,
Елпиб-елпиб қуритдим.
Висолга бўлиб ташна,
Ёрни интизор кутдим.
Нигорон зор нигоҳим
Толди, нечун келмади!

Қалбдаги оғриқ-оҳим
Беқароримни билмади.
Кел қувончим, кел тезроқ,
Бахт қушини кутайлик.
Кўклам ишқига чанқоқ,
Дунёга гул тутайлик.

### ЎЗГАЧА

Нозик қалбим урар ўзгача
Ўзгачадир фикрим, қарашим.
Кўзимда нур кулар ўзгача
Мавжи мудом турар ярашиб.

Одамларга боқдим ҳайратда
Гоҳ хаёлчан, гоҳида ғамиюк.
Тўлса ҳамки юраги дардга
Кулаверди дунёи бебок...

Фарида АБДУЛЛАЕВА.

## • Жумҳурият ёзувчиларининг янги асарлари

# «МИНГ МАРЖОН»

Йўлдош МУҚИМОВ.

**Таниқли ёзувчи ва публицист Йўлдош Муқимов турли-туман ривоятлар, афсоналар, нақл ва маталлар асосида «Минг маржон» деб номланган янги китоб ёзди. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур китобдаги сюжетлар халқ оғзаки ижоди услубида бўлиб, китобхонни эзгу ишларга чорлайди, ҳаёт муаммолари ҳақида жиддийроқ ўйлашга даъват этади. Қуйида айна шу китобдан олинган парчани газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.**

### ТАНБУРМИ Ё ТАНБИР!

...Сусамбилда катта дастурхон атрофида қизғин суҳбат кетарди. Мағриблик ва машриқлик сайёҳлар ўз элларининг афсона ва эртаклари, нақл ва латифаларидан айтиб берардилар. Сўнгра навбат муғанний ва машшоқларга етди. Дам доира, дам дутор, дам ғижжак ва най, уд ва танбур тилга кирди. Турли мақомлар янграб, осмонга кўтарилди.

Дастурхон теварагида ўтирганларнинг ҳаммаси мусиқанинг сеҳрли оғушида тебранди. Биров ҳузур қилиб бош чайқар, яна биров елкасини оҳиста қимирлатиб, бутун гавдаси ила силкинарди.

Мақомлар бир лаҳза тинди. Ўтирганлар эса ширин оҳанглар қўйнидан чиқолмасдилар.

— Бу мусиқий асбоб қандай аталур? — мағрибликлардан бири танбурга ишора қилиб сўради.

Машриқлик унга жавоб қайтарди: танбур дейишадур.

Танбур дедингизми, яна сўз қотди бояги сайёҳ. Номи ҳам ўздай ёқимли ва жарангдор экан. Қизиқ, бу ном не маънони англатур?

Бухоролик бир савдогар унга тушунтира кетди:

— Танбур танни тилувчи демакдир. Ундан чиққан ун ва куй киши танини бурда-бурда қилиб юборур.

— Буни қаранг-а, деди мағриблик сайёҳ савдогар. Бизнинг элимиз Румода ҳам бу мусиқа торлари шунга яқин маънони беради. Уларни «тембр» дермиз. Тембр — қалбни чертувчи, тўлқинлантирувчи демакдир. Ундан мунгли унлар таралур. Оҳ, бу нафис куйлар, инсон юрак-бағрини тирнайди, ҳаяжонга солади.

— Биздаям бу торлар номи худди шундай аталур, хоразмлик савдогар изоҳ бера бошлади. — Бироқ маъноси бир қадар ўзгача. Бу ажойиб ва ғаройиб оҳангни эшитган кишиларнинг қалб сирлари тилга киради. Алқисса, танбур номи «тан бир» сўзидан келиб чиқмағонмикан?

— Бизнинг ўлкамиз, — Дашти—Қипчоқда ҳам бу сеҳргар мусиқий асбоб бордур. Фақат номи сал бошқачароқ — «том бир» дерлар, — анчадан буён чуқур ўйга толиб ўтирган карвонбошилардан бири мунозарага аралашди. Бу сўз туркий тилға ўта мос келур. — Бу янглиғ нағмани эшитғон ва тушуниб етғон кимсалар бир жон, бир тан бўлиб қолмоқлари ҳақдур. Алқисса, бир тан ва якдил кишиларнинг томи ҳам, осмони ҳам бирдур.

Даврада ўтирганлар бош чайқаб бу ҳақиқатни қизғин маъқулладилар.

— Сизнинг сўзларингизда жон бордур,— деди сайёҳлардан бири, — инсон насли ва илдизи бир бўлғоч дилимиз ва тилимиз ҳам аслида бир бўлғондир. Сўнгра бора-бора фарқ қилғондир, бироқ барибир ўзаги қолғондир...

Нурмомо ушбу нақлни айтиб бўлгач хулоса ясадилар:

**Ҳайрон қолурлук жой**
**бунда йўқдур,**
**Инсон бир оила, бир**
**уруғдур...**

### ТОШБАҚА ТАРОЗИБОН

Чўлда судралиб юрган тошбақаларга раҳмимиз келарди. Икки ёқдан қаттиқ қисиб олган тошлари орасидан бошини зўрға чиқариб озуқасини топиб ейди-я, бечора.

Кечқурун молларни боқиб келгач, Нурмомомиздан сўрардик:

— Момо, нега бундай? нега тошбақаларни икки томонлама икки тош қисиб олган? Тошларини олиб ташласа бўлмайдими.

— Бўлмайди, эркатойларим. Фалакнинг хоҳиши, одамларнинг қарғиши бу.

— Фалак хоҳласа, одам қарғаса шунақа бўлаверадими?

— Тошбақа одамлар ҳақини еган, чироқларим. Шуни яхши билиб қўйинглар. Вақти-замонида тошбақа ҳам одам бўлган, қассоблик қилган, бозорда гўшт сотган.

...Кунлардан бир кун кимсасиз бечора кампир жиндак пул топиб бозорга келди. Қассобдан пулига яраша ғўшт беришни сўради. У инсофсиз гўштнинг ярмисидан кўпроғини суяк қилиб, тортиб берди.

— Ўғлим гўшт ўрнига нуқул суяк бердинг-ку.

— Гўшт суяксиз бўлмайди, кампир,— дағал муомала қилди қассоб.

— Тўғри айтдинг ўғлим, суяк ҳам гўштсиз бўлмасин-да, ахир.

Қассоб жаҳлга минди. Бошқа бир бўлак гўштни тортиб кампирга узатди.

Кампир уйига келиб гўштни ўлчаб кўрсаки, бир неча мисқол етмайди. Шунда у илоҳо тарозингнинг икки палласи ости-устунгга ёпишиб қолсин, ўзинг икки оёқлаб эмас, махлуқ бўлиб тўрт оёқлаб юргин, деб қассобни дуоибад қилди.

Жабрдийда кампирнинг қарғишига фалак қулоқ солди. Унинг айтгани келди. Қассоб бирдан букила бошлади. Тарозининг бир палласи бош томонидан, иккинчи палласи оёқ томондан ёпишиб у ўртада қолиб кетди. Ўшандан буён махлуққа айланиб қолган қассоб одамлардан ор-номус қилиб чўлу-саҳроларга бош олиб кетди. Тошбақа тарозибон деган ном олди...

### БУЯМ ЎТАР-КЕТАР...

Оиламизда оғир кунлар кўп бўлган. Отам ёки онам бирор сабаб билан хафа бўлсалар кун кечириш қийинлигидан зорланиб тушкунликка тушишса Нурмомо ҳамиша тожикча қилиб «Инам мегузарад» (буям ўтар-кетар) дердилар-да, нақл айтиб берардилар.

...Бир пайтлар Сусамбилда бой савдогар ўтган экан. Ақли расолиги, ҳаракатчанлиги, қаерда не олиб, не сотишни, бу мамлакатга-ю у мамлакатга нима кераклигини яхши билганлигидан анча-мунча бойлик орттирган экан. Унинг яккаю-ягона ношуд ўғли бўлиб, отанинг билагидан қуввати, кўзидан нури кетгач, ўлим тўшагида ётиб ўғлига васият қилибди:

— Мен сенга ул қадар бой мерос қолдиролмадим, ўғлим, фақатгина иккита кичик кутича қолдирдим. Уларнинг бири қизил, иккинчиси қора рангда. Борди-ю, қўлингдаги бор бисотингни тамом қилиб қийналсанг, бошингга қора кунлар тушса қора рангли қутичани очиб, ундан ўзингга ярайдиғон нимарсани топурсен. Агар ишларинг бағоят юришиб, ривож топиб кетса азбаройи бойлиғинг кўплиғидан ва хурсандчилиғингдан бошинг гангиб, ўзингни йўқотиб қўйғудек бўлсанг, қизил рангли қутичани очғайсен...

Ношуд ўғил отадан қолғон меросни бир неча йил мобайнида совуриб бўлди ва азбаройи қийналганидан қора қутичага қўл урди. Очиб қараса қутича бўм-бўш, унинг ичидаги бир парча қоғозда «буям ўтар-кетар» деб ё..иб қўйилган экан, холос.

Бу ҳикмат ношуд ўғилга ночор кунларида чунон таъсир қилдики, оқибатда у тушкунликка тушмади, ғам-андуҳга берилмади. Аксинча, енг шимариб бэл боғлаб ишга шўнғиди. Ақл ишлатиб, ота касбини қўллади. Шу зайл ўзини ҳалокат ёқасидан ўнғариб қутқариб қолди ва тез орада бойиб ҳам кетди. Айшу-ишратдан боши чиқмай, хурсандчилигидан мағрурланиб, яқин-йироқларини танимай, менсимай қўйди. Одамлар ундан қоча бошлашди. Шунда отанинг иккинчи васияти хотирига келиб қизил қутичани очди. Ундаги бир парча қоғозга ҳам яна «буям ўтар-кетар» деб ёзилган экан.

Кунлар ўтди, тунлар ўтди. Чиндан ҳам отанинг айтгани бўлди. Ақли шошган савдогар ўғлининг ишлари касод бўлди. Уни ҳаддидан оширғон ва қутуртирғон бойлик барҳам топди...

Нақлни айтиб бўлгач Нурмомо хулоса қилган эдилар:

— Қийин ва оғир кунларингизда ҳам, шод-хуррамлик кунларингизда ҳам зинҳор ўзингизни йўқотиб қўйманглар, чироқларим. Буларнинг бари ўткинчидур. Қийин кунда беҳад қайғурмангиз, хурсандчиликдан ўзингиздан кетмангиз, уям ўтади-кетади, буям ўтади-кетади.

● *Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар*



**Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзод қилиб кўрсатилганлар орасида «Ёш гвардия» нашриёти муҳаррири, ёзувчи Аббос САИДОВ ҳам бор. Ана шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз ёш ижодкор билан мулоқотда бўлди.**

# ЁШЛАР ЛОҚАЙДЛИКДАН БЕГОНА БЎЛСИН

**— Мукофотга тавсия этилган китобингиздаги асарларингизнинг деярли кўпчилигида қаҳрамонлар ҳаётнинг минг бир чиғириғидан ўтган одамлар. Хусусан, «Райҳон иси тутган ҳовли» қиссасининг бош қаҳрамони Аппон чол — мўйсафид бир киши. Нима сабабдан асар қаҳрамонини кекса киши қилиб танладингиз!**

— Бошқа дўстлар ҳам шунга ўхшаш савол билан мурожаат қилишганда, уларга айтаман: ўзимни кўпинча қариб кетгандай ҳис этиб юраманда. Бу, албатта ҳазил гап. Сиз тилга олган асарда ҳам, «Хончорбоққа тун чўкканда» қиссасида ҳам, ҳикояларда ҳам болалар, ўсмирлар, ёш йигит-қизлар асосий персонаж сифатида иштирок этганлар. «Хончорбоққа тун чўкканда»даги Ортиқбой ёхуд «Чолнинг беозор ити»даги Отабек, «Бир ўжарнинг қилмиши»даги Зокир ё бўлмаса, «Каромат»даги Каромат, унинг сингиллари... Энди бевосита «Райҳон иси тутган ҳовли»га келсак, асар сюжетининг ўзи қаҳрамонлар ким бўлиши лозимлигини танлаб олди.

Маълумки, мамлакатимизда қарийб олтмиш йил мобайнида олиб борилган сталинча иш услуби одамларимизнинг нафақат жисмини, балки уларнинг руҳияти ва маънавиятини ҳам мисоли ўлатдек заҳарлаб, катта-кичик хиёнатларга бошлаганди. Пировардида биз ишонган ва порлоқ келажагини башорат қилган жамият ўз аъзолари билан бирга патарат топди. Бу ҳалокатдан омон қолганлар борми? Ҳа, бор! Булар имон-эътиқодларида собит қолган, хиёнат жари ёқасидан олисда турган, унга яқинлашишга ҳазар қилган одамлар. Асар қаҳрамони — Аппон чол, унинг отаси Аямбой ака, девона Тилла, Молдахмат, Шокир баззозлар ана шундай кишилар. Мен Аппон чолнинг бир-биридан оғирроқ кечмиш-кечирмишларини умрининг сўнгги беш-олти кунига жамлаб кўрсатишга уриндим. Аппон чол заҳматкаш ўзбек халқининг вакили сифатида сўнгги нафасига қадар тиниб-тинчимайди: азбаройи одамларга оғирим тушмасин деб Далавой гўрковга учраб, ўзи учун қабр кавлашга уни кўндиради, Иқбол ишқида телбага айланган ҳеч кими йўқ Тиллага оталарча саховат қўлини чўзади. Ўликлар устида кайф-сафо, айш-ишрат қилаётган шаккок Салтанату Бўриларнинг ҳуфя қилмишларидан баногоҳ воқиф бўлиб, бу разолатдан юраги ўртанади. Хуллас, мен Аппон чол тимсолида ҳаётини мўмин-мусулмончасига яшаб ўтган одамнинг чигал қисматини қаламга олганман...

**— Очиғини айтиш керакки, пойтахтда яшовчи шоир ва ёзувчиларнинг кўпчилиги қишлоқда туғилиб-ўсган, сиз аксинча, Тошкентда униб-улғайгансиз. Тенгдошларингиз маънавияти билан ҳозирги пойтахт ёшлари ўртасида қандай фарқлар ва муштаракликлар кўрасиз!**

— Менга «фалон ёзувчи шаҳарда туғилди, фалон шоир қишлоқда», десалар, қандайдир эриш туюлади. Валентин Распутин ва Василий Белов «қишлоқ насри» вакили, Юрий Трифонов ва Юрий Казаковлар «шаҳар насри»да баракали ижод қилиб келмоқдалар, дейишади баъзи тадқиқотчилар. Нурали Қобул, Тоғай Мурод ва Ғаффор Ҳотамов қишлоқ одамларининг ҳаётини ёзадилар-у, Тоҳир Малик, Зоҳир Аълам ва Хуршид Дўстмуҳаммад шаҳарликлар ҳаётидан асар яратадилар, дегандек... Мени ёзувчи хоҳ қишлоқ кишисининг, хоҳ шаҳар кишисининг ҳаётидан ҳикоя қилган бўлсин, аввало асар қандай ёзилгани ва у маънавиятимизга қай жиҳати билан салмоқли ҳисса қўшгани қизиқтиради.

Болалик ва ўсмирлик йилларим 60-ва 70-йилларга тўғри келди. У пайтларда Тошкент ҳозиргичалик ўзгариб кетмаганди. Иқлимимизга мутаносиб тушмаган осмонўпар бетон уйлар бу даражада кўплаб қурилмаган, халқимизнинг табиатига мувофиқ тушмайдиган қилиқлар — ҳар турли арақхўр, нашаванд, гиёҳванд, қаланғи-қасанғилар ҳам бу даражада кўпаймаганди. Айниқса, 1966 йилги зилзиладан сўнг шаҳар жудаям ўзгарди. Эсимда: болалигимда ота томонидан бобом мулла Ҳамдам Саидмуҳаммад ўғли мени жуда кўп қариндош-уруғлариникига олиб борардилар, авлод-аждодларини таниб олса, оқибатли бўлади, деган ниятда. Тахтапул, Қумлоқ, Қоратош, Хадра, Себзор, Шайҳонтаҳур, Қатортол, Чақар, Оқтепа, Кўкча, Бешёғоч, Оқлон, Бешқайрағоч каби кўчаларнинг қиёфаси бошқача эди. Бу кўчалардан илгари ҳам троллейбуслар енгил машиналар қатнаса-да, озода турар, шаҳар ҳовлиларининг ўзгача файзи бўларди. Йўл-йўлакай бобом раҳматли сувга ҳар турли нарсалар ташлаш керакмаслиги, сувга тупурса ёхуд ерда ётган нон ушоғини босса одам кўр бўлиб қолиши, катталарга ҳурмат-кичикларга иззатда бўлишлик ҳақида панд-насиҳатлар қилиб борардилар. Ҳали-ҳали ёдимда: бир марта қишнинг узун кечаларидан бирида ҳовли этагидаги бобом ўтирган пастаккина уйга кириб бордим. У киши мулла одам, Сталин тузуми жабрини ҳам тортганлардан, шу сабабдан ҳам косалари оқармаганлардан эдилар. Кўпинча китоб мутолааси билан машғул бўлардилар. Ўша йиллардаги таъқиблардан бўлса керак, у киши кўпгина китобларини чордоқда сақлардилар. «Бува, менгаям ўқиб беринг» деб қисталанг қилаверганимдан сўнг у киши паст, аммо ширали овозда қуйидагиларни менга ўқиб бердилар: «Пайғамбаримиздан бир киши сўрабдилар: — Эй, Расулуллоҳ, мен кимни ҳурмат қилай? «Ўз онангизни, — деб жавоб берибди Пайғамбар. У яна сўрабди: — Онамдан бошқа яна кимни? Пайғамбар: — Онангни, — деб жавоб берибди. Ҳалиги киши учинчи бор сўраганида ҳам: «Онангни», деган жавобни олибди. У тўртинчи марта ўз саволини қайтарганда, Пайғамбар: — Ўз отангни, сўнгра қариндош — уруғларингни, яқин хешларингни!..»— деб жавоб қайтарибдилар, — дедилар. Ўшанда бу ривоят бола тасаввуримга ниҳоят қаттиқ муҳрланиб қолганди. Кейинчалик Ҳазрати Имомдаги Тиллақори масжидига уч-тўрт китоб олиб бориб, бобом ўқиб берган ривоят ҳадис эканини, у мўътабар зот Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ» китобларидан келтирилганини билиб олдим. Ҳар ҳолда, менинг тенгдошларим маънавий оламига ҳозирда оламдан ўтиб кетган, аммо ўша пайтларда ҳаёт бўлган боболаримизнинг таъсири маълум даражада ўтиб улгурганига имоним комил. Ўша боболаримизнинг кўплари ҳаётнинг паст-баландига тушунган одамлар эдилар.

**— Ёшлар табиатидаги қайси фазилатни қадрлайсизу, қайси иллат бўлмаслигини истайсиз!**

— Саволингиз менга ғалати таъсир этди. Кўз олдимда Достоевскийнинг шоҳ асарларидан бири бўлган «Телба» романи қаҳрамони — князь Мишкин гавдаланиб кетди. Унинг генерал Епанчиннинг уйидаги ҳикоясини эсланг. Ҳа, ҳа, генерал хоним ва унинг қизларига айтиб берган ҳикоясини... Нақадар соф, болаларча соддалик, завқ-шавқ билан сўзлаб беради. Тахминан мана бу жумлалари ёдимда: «...Сизга ёқимтойгина шу қушча ишонч билан бахтиёр қараб турганида сиз қайси юрак билан уни алдайсиз? Мен уларни қушчалар деб атайман, чунки дунёда қушчалардан ҳам яхшироқ нарса йўқ, дарвоқе, кўпроқ бир воқеа сабаб бўлиб, қишлоқдагиларнинг ҳаммаси мендан аразлаб қолишди... Тибо бўлса менга ҳасад қиларди: у аввал қандай қилиб болалар менинг ҳамма гапларимни тушунишадию, унинг гапларига эса деярли ҳеч ким тушунмасликларидан ҳайрон бўлиб бошини чайқаб юрди, кейин мен унга, сиз билан икковимиз ҳам уларга ҳеч нарсани ўргатолмаймиз, аксинча, улар ҳали сиз билан менга ўргатишади, десам, тоза мени калака қилиб кулди. Болалар билан бирга яшаб туриб, яна қандай қилиб туҳмат ва ичи қоралик қилганига ҳайронман?! Болалардан дил шифо топади...». Бу қаҳрамон буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг Мажнун сиймосига ўхшайди деганида асар таржимони, истеъдодли мунаққид Иброҳим Ғафуров ҳақ. Князь худди Мажнун каби ишқ мубталоси. Унинг қалбида ғоят гўзал интилишлар ва инсоний теран кечмишларнинг шамчироғи ёниб туради. Фақат бу олижаноб кимсанинг интилишлари атрофидагиларга бошқачароқ, телбаликка ўхшаб кўринади, ваҳоланки, унинг барча ҳатти-ҳаракатлари шафқат, ўзгаларга меҳрга бўйсунади.

Шу боисдан ёшларда биринчи навбатда катталардаги лоқайдлик иллати бўлмаслигини истардим. Ана шу иллат табиатимизга баайни чирмовиққа ўхшаб ёпишиб олгани туфайли миллатимиз камситилиб келинди, ерларимиз, ҳавомиз, сувларимиз заҳарланди. Оролимиз қуриди, шаҳарларимиз миллий қиёфасини йўқотди, қишлоқларимиз харобалигича қолди, масжидларимиз қулади.

**— Ёзувчи сифатида қайта қуришга муносабатингизни билмоқчи эдим.**

— Авваламбор, қайта қуришнинг шарофати туфайли сиз билан мана бундай очиқчасига, юракдаги гапларни тўкиб-сочиб ўтирибмиз. Ошкоралик, демократия деган тушунчалар ҳам дунёда борлигини ва улар ҳар бир соғлом жамиятнинг ривожланишига юксак омил бўлиб хизмат қилишини англай бошлагандаймиз. Қанча имкониятларни бой берганимизни, қанчадан-қанча халқлар фахри бўлган ақл соҳибларини ерга тириклайин кўмиб ташланганига иқрор бўляпмиз, тузумимиз инсон боласи орзу қилган ва уни ҳар жиҳатдан баркамол, озодликка олиб чиқадиган бекамукўст жамият эмас, сталинча хунрезликлар эвазига маъмурий-буйруқбозликка асосланган, грозниййча яккаҳокимликка интилувчи бир жамият бўлганини тушуниб етяпмиз. Тан олинганининг ўзи яхши. Зеро, бу жамият пойдеворига биринчи ғиштни қўйган В. И. Ленин ҳам ҳаётининг сўнгги йилларида (1920—1924) ўзининг маъмурий-қоғозбозликка асосланган партия аппарати халқ ҳокимияти-Советларни топтаб ташлаб, ўзи яккаҳокимликка эга бўлиб олиши мумкинлигини кўра билди. Яқинда «Литературная газета»нинг 12 сентябрь сонида Н. Петренконинг «Ленин в Горках — болезнь и смерть» сарлавҳаси мақоласи ҳам босилдиким, буни фикримизнинг исботи сифатида ҳам қараш мумкин.

Доҳийку ана шу жамиятнинг пойдевори энди қурилаётганида ўз хатосини тушуниб етиб изтироб чеккан экан, доҳийлиги ҳам шу-да! Нега биз тараққий этган хорижий мамлакатлардан ўрганмай, ана ўша омонат бинога қайтадан сайқал бериб кунимизни ўтказаяпмиз. Ахир, бир кунмас-бир кун бу «бўёқларимиз»ни ҳам ёмғир ювиб кетмасмикин? Ана унда бир ишимиз икки бўлмасмикин деб қўрқаман.

**Суҳбатдош: Туроб НИЕЗ.**

● *Бугун — «Ўзбекфильм»да*

# «КУЛОЛ ВА КЎЗА»

...ТОҒ ёнбағрида бир кулол ёлғиз яшарди. Бечоранинг дардлашадиган ҳеч кими йўқ эди. Ана шундай аҳволда яшаётган уста кунлардан бир кун лойдан сигир, қўй каби ҳайвонларни ясаб, уларга жон ато қилмоқчи бўлади. Ҳалиги ҳайвонларни ясаш жараёнида қараса, иши бинойидек кетаяпти. Буни кўрган кулол менга ҳамдард бўлади, деб лойдан одам ҳам ясайди. Аммо бечора кулол не кўз билан кўрсинким, ҳалиги лой одам унга нисбатан ноқобил бўлиб чиқади. Бунга ҳам устанинг ўзи айбдор, чунки у лой одамга юрак бахш этмаган экан. Лой одам кўзадан чиқиб олиб, ер юзи бўйлаб сайр қилади ва тинч яшаётган одамлар бошига кўпгина ташвишлар солади. Буни кўрган кулол аввало лой одамга юрак бахш этмаганига ачинади, кейин эса уни асл қиёфасига қайтаришга ҳаракат қилади...

Ана шундай қизиқ воқеалар асосида суратга олинаётган «Кулол ва кўза» деб номланувчи эртак — фильмни «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги «Инсон» ижодий уюшмасида режиссёр Георгий Бзаров суратга олмоқда.

Бу режиссёрни томошабинлар «Афсонага айланган қиз», «Жаҳаннамдан репортаж», «107-кўрсатма бўйича тўнтариш», «Уйқуфуруш» каби киноленталари орқали яхши билишади. Унинг бу янги асари ёш томошабинларга манзур бўлади, деган ниятдамиз.

Анатолий Галиев ҳамда Павел Георгиади ҳамкорликда ёзишган сценарий асосида суратга олинаётган бу асардаги кулол ролида «Муҳаббат ва нафрат», «Оловли йўллар», «Ўша йигит қайтди», «Амирнинг ҳуфия саёҳати» каби киноленталарда қатор образлар яратган актёр Зокир Мўминовни кўрамиз. Кўза ролини эса ёш актёр Аброр Турсунов талқин этмоқда. Шунингдек фильмда Ҳайрулла Саъдиев, Мастура Жабборова, Анвар Кенжаев каби санъаткорлар билан биргаликда таниқли қизиқчилар Мирза Холметов, Собит ва Обид Асомовлар ҳам қизиқарли роллар ижро этишмоқда. Кинолентани моҳир тасвирчи Ҳамидулла Ҳасанов суратга олмоқда. Фильмга Айна Шамзини мусаввирлик қилмоқда.

**Р. БЕРДИЕВ.**



